



Xabarlar

O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI

1992 yil martdan chiqa boshlagan

2003 yil, 31 yanvar № 5 (542)

Sotuvda narxi erkin

«Хоразм Телеком» филиали биноси.



ЯНГИ ТАРМОҚ ТАҚДИМОТИ

Бухородаги «Бухоро-Палас» меҳмонхонасида «Ўздуробита» қўшма корхонасининг янги GSM тармоғи тақдимоти бўлиб ўтди.

«Ўздуробита» қўшма корхонаси Бухоро шаҳрида 1995 йилнинг октябр ойида иш бошлаган эди. Утган давр ичида корхона хизматидан фойдаланувчилар сони бир неча минг нафарга етди. Хозирги пайтда нафақат Бухорода, балки вилоятнинг Ғиждувон, Вобкент ва бошқа шаҳар ҳамда туман марказларида ҳам уяли алоқа хизматидан фойдаланилмоқда. Ишга туширилаётган янги GSM тармоғи эса ишбилармон кишилар учун ҳам, оддий фуқаролар учун ҳам барқарор алоқа хизмати таъминлаш имконини беради.

Тақдимоат сўзга чиққан Бухоро вилояти ҳокими С.Хусенов, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директорининг биринчи ўринбо-

сари М.Маҳмудов, «Ўздуробита» қўшма корхонаси Бош директори Б.Аҳмедов ва бошқалар вилоят телекоммуникация тармоғини ривожлантиришда янги алоқа тармоғи муҳим қадам бўлишини, қўшма корхона тармоғи GSM стандартида ягона рўйхатга олиш ҳудуди ишлашини, яъни хизмат кўрсатиш бўйича танлаб олинган режанинг тарифлари эндиликда бутун республикамизни қамраб олган GSM тармоғи ҳаракат зонаси ҳудудида амалда эканлигини таъкидлаб ўтдилар.

Республикамиз бўйича бугунги кунда ушбу тармоқдан 14000 нафардан ортиқ абонентлар фойдаланилмоқда.

А.ИСТАМОВ,
жамоатчи мухбиримиз

СЕМИНАР БЎЛИБ ЎТДИ

Тошкент ахборот технологиялари университетида Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Республика «Маънавият ва маърифат» маркази, Тошкент шаҳар Юнусобод тумани Ҳокимлиги, Республика «Ихтимолий фикр» маркази, Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси, Республика «Қамолот» ёшлар иқтимолий ҳаракати кенгаши ҳамда Тошкент Маданият институти ҳамкорлигида «Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларини ривожлантириш — давр талаби» мавзусида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директорининг ўринбосари Ш.Обидхўжаев, Тошкент ахборот технологиялари университети ректори С.Қосимов, Республика «Маънавият ва маърифат» маркази раҳбари А.Болиев, Республика «Қамолот» ёшлар иқтимолий ҳаракати мар-

казий кенгаши раиси Б.Убайдуллаев, Ўзбекистон халқ шоири Н.Нарзуллаев, шунингдек, «Ўзбектелеком» АК, «Ўзбекистон почтаси» ДАК, Давлат алоқа инспекцияси ходимлари, туман маҳалла қўмиталари раислари, ТАТУ профессор-ўқитувчилари ва талабалари қатнашдилар.

Семинарда Тошкент шаҳар Юнусобод тумани ҳокими Р.Пўлатов, ТАТУ ректори С.Қосимов, Республика «Маънавият ва маърифат» маркази раҳбари А.Болиев, Республика «Маҳалла» жамғармаси раиси А.Ғадойбоевлар сўзга чиқди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат ва жамият қурилиши академиясининг доценти, тарих фанлари номзоди М.Қирғизбоев «Маҳалла Ўзбекистоннинг фуқаролик жамиятида ўзини-ўзи бошқаришнинг муҳим омиллари», Социология фанлари док-

тори, профессор М.Бекмуротов «Ўзини-ўзи бошқаришнинг иқтимолий-маданий кўринишлари», «Ихтимолий фикр» маркази директори ўринбосари О.Атамирзаев «Маҳалла — жамоатчилик кўзгусида» мавзуларида маъруза қилдилар.

Ўзбекистон Республикаси «Қамолот» ёшлар иқтимолий ҳаракати Тошкент ахборот технологиялари университети пойтахт олий ўқув юртлири ўртасида ўтказилган «Талабалар уйи — менинг иккинчи уйим» кўрик танловининг шаҳар босқичида «Энг яхши маънавият ва маърифат хонаси» йўналишида биринчи ўринни эгаллагани учун «Фахрий ёрлик» билан тақдирланди.


Семинар сўнггида ТАТУ талабалари ижросида концерт дастури намойиш этилди.

Н.МЎМИНОВ,
ТАТУ Маънавий-маърифий ишлар бўйича проректор,
академик

ЭЛЕКТРОН БИТИМ — ТЕЖАМКОРЛИК ДЕМАК

Инсон ўз умри давомида онги, тасавури, қарашлари ва билимларини доимий равишда ривожлантириб, сайқаллаб бора-

чилар, уларга қўйиладиган асосий талаблар, уларни рўйхатдан ўтказиш ва бошқа масалалар ўз аксини топган бўлиши лозим.



OLAMDA NIMA GAP?

•Yangiliklar •Voqealar •Xabarlar

Бавария федерал ўлкаси пойтахти Мюнхен шаҳрида қурилиш махсулотлари ва «БАУ-2003» технологияларининг ўн бешинчи халқаро кўргазмаси бўлиб ўтди. Ушбу кўргазмада Ўзбекистон делегацияси ҳам иштирок этди. Мазкур тадбир доирасида республикамиз иқтисоди ва қурилиш имкониятларини таништириш маросими ҳам ўтказилди. У элчихонамиз ҳамда «Сименс» компанияси хомийлигида ташкил этилди.

Германиянинг машҳур «Philips» компанияси мамлакатимизнинг тоғли ҳудудлари учун «УАЗ» маркази бешта санитар автомашинаси соғва қилди. Улардан бири Наманган вилоятининг Янгиқўрғон туманидаги «Заркент» кишлоқ шифонахасига топширилди.

Сирдарё шаҳрида октобдан крахмал тайёрлайдиган янги корхонага тамал тоши қўйилди. Бунга «Бахт-Ф» ҳусусий фирмаси ҳамда Люк-

сембургнинг «Айджинг интернейшл S.A» компанияси ўртасида тузилган шартнома асос бўлди.

Шимолӣ Кореядаги ядро муаммосини янги «Беш+беш» тартибда, яъни БМТ Хавфсизлик Кенгашининг доимий беш аъзоси плюс Шимолӣ ва Жанубий Корея, Япония, Австралия ҳамда Европа Иттифоқи илтироқда муҳраккама этиш масаласини расмий Пхеньян рад этди. «Биз Корея ярим оролида ядро масаласини байналмилаллаштириш йўлидаги ҳар қандай уринишга қаршимиз. Шу муносабат билан қандай қўринишда бўлмасин «қўлтомонлама музокаралар» да қатнашмаймиз» дейилди ҚХДР Ташқи ишлар вазирлигининг баёнотида.

Япония Мудоофаа вазирлиги учувчисиз бошқарилади-

ган разведкачи самолёт яратиш режасини эълон қилди, дея хабар беради Япониянинг Tokyo Shimbun газетаси. Самолёт камера ва инфракизил нурлар узатувчи қурилма билан жиҳозланади. Унинг афзаллиги шундаки, у 20 километр баландликдан ҳам зарур объектларни бемалол кузата олади. Бундай самолётни ишлаб чиқариш учун 1,9 миллиард иен (15,8 миллион доллар атрофида) керак бўлади.

«Ушбу самолёт мамлакатнинг миллий хавфсизлигини таъминлаш максатида ишлаб чиқарилмоқда. Унга Корея ярим оролидаги ҳарбий объектларни кузатиш вазифаси юклатилади», деди Япония Мудоофаа вазирлиги вакили.

Электрон воситалар ҳам шу тарздаги ривожланишлар натижасида илгаригисидан мукамалроқ кўринишга эга бўлиб бормоқда. Бундай тараққиёт нафақат табиий, балки иқтимолий-гуманитар фан соҳаларида ҳам катта рол ўйнамоқда. Техника соҳасининг махсули бўлган электрон воситалар ҳуқуқий муносабатларга ўзининг жиддий таъсирини ўтказмоқда.

Жаҳон тажрибасида бир неча йиллардан буён қўлланилиб келинаётган электрон воситалар орқали битимлар тузиш кейинги вақтларда Ўзбекистон учун ҳам оддий ҳолга айланиб бормоқда. Шунинг таъкидлаш жоизки, хорижий давлатларда бундай муносабатлар махсус қонунлар асосида тартибга солинади. Республикада ҳам шундай махсус қонунга эҳтиёж бор. Бундай қонунда электрон битим тузув-

Техника асрида ҳар бир корхона, муассаса, ташкилот ўзининг электрон дўконларига эга бўлиши талаб этилади. Шундагина ҳўжалик юритувчи субъект замон билан ҳамнафас, барқарор ривожланади. Электрон дўконлар орқали махсулотлар ва хизматларни сотиш ёки тарқатиш бирмунча осонроқ кечади. Ички ва ташқи тadbиркорлик фаолиятини амалга оширишда, контрагентлар билан шартномавий ҳуқуқий муносабатларга киришишда электрон воситалар орқали битимлар тузиш фоят қулай ҳисобланади. Унинг қулайлигини қўйидагилар билан ифодалаш мумкин.

Биринчидан, ҳам вақт сарфлаб тез максатга эришиш, яъни мамлакатимизнинг турли ҳудудлари ёки хорижий давлатларда фаолият юритувчи тadbиркорлик

(Давоми 2-бетда.)

«SARKOR TELEKOM» — ЗАМОНАВИЙ ИНТЕРНЕТ-ПРОВАЙДЕР

“Sarkor Telekom” компанияси бугунги кунда тўрт базали станция орқали замонавий симсиз маълумот узатиш хизматини кўрсатиб келмоқда.

Компания 1996 йили ташкил этилиб, Ўзбекистонда замонавий симсиз тармоқ технологиялари — Radio Ethernetни жорий қилди ва уяли интегратор сифатида ўз фаолиятини бошлади.

“Sarkor Telekom” 1999 йилга келиб Интернетга симсиз узанишга тўлиқ ихтисослашган Интернет ва маълумот узатиш хизмати кўрсатиш учун Ўзбе-

стандартни симсиз тармоқ тизимида ўз ўрнига эга. Унинг кабел тармоқларига қараганда бир қатор афзал жиҳатларини санаб ўтиш мумкин.



кцион почта ва телекоммуникациялар агентлиги (ҳозирги Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги)нинг лицензиясига эга бўлди.

Компания 2001 йилга қадар Radio Ethernet технологияларига асосланган бир қатор лойиҳаларни муваффақиятли амалга оширди. Ушбу йилдан бошлаб “Sarkor Telekom” CISCO Systems технологиялари базасида Интернетга умий боғланиш хизматларини кўрсата бошлади. Айнан 2001 йили ўтказилган Биринчи республика Интернет фестивалида компания энг яхши Интернет-провайдер номига сазовор бўлди.

2001 йилнинг ёзидан Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги ва “Ўзбектелеком” АК кўмағида “Sarkor Telekom” компанияси республикада биринчи бўлиб 1 Мбит/сек. тезликдаги халқаро канални йўлга қўйди. Декабрь ойига келиб халқаро канал 2 Мбит/сек.га оширилди.

Компания ўзининг олти йиллик иш фаолияти давомида замонавий технологиялар имкониятларидан самарали фойдаланиши натижасида Ўзбекистон ахборот технологиялари ва маълумот узатиш тармоғи соҳасида ўз ўрнига эга бўлди. Шу қисқа давр ичида “Sarkor Telekom” мутахассислари замонавий хизмат кўрсатиш бора-сида етарлича тажриба тўплади.

Бугунги кунда “Sarkor Telekom” компанияси Интернет тармоғига юқори сифатли боғланиш, симсиз узаниш, 3 Мбит/сек. тезликдаги халқаро Интернет канали хизмати ҳамда сифатли сервис ва узлуксиз техник кўмак хизматларини кўрсатиб келмоқда.

Юқорида компаниянинг Radio Ethernet технологиялари асосида хизмат кўрсатиши таъкидланганди. Radio Ethernet технологиялари ёки 802.11

си яқин келажакда куйидаги қатор вазифаларни бажаришни режалаштирган:

- DSL технологияларини жорий этиш;
- Тошкент бўйлаб симсиз маълумотлар узатиш тармоғини кенгайтириш;
- сифатли хостинг хизматини жорий қилиш;
- халқаро каналга киришни икки бараварга ошириш;
- янги тариф режаларни тузиш;

— абонентларга хизмат кўрсатиш сифатини ошириш.

Яқинда компания бутун дунёга машҳур ва кенг қўлланилаётган рўйхатга олиш ҳамда Интернет хизмати тўловини амалга оширишда Интернет-карта режасидан фойдаланишни пойтахтимизда жорий қилди. Мазкур карта бўйича тўловни амалга ошириш ва рўйхатдан ўтиш фақатгина яқка шахсларга тегишлидир.

“INTERNET-KARTA” режасига рўйхатдан ўтиш учун “Sarkor Telekom” компаниясининг махсус дилеридан Интернет-картани олиб, card логини, register пароли ва 1619900 (1386000) телефонида бораятгани сабаб бўлди.



Симсиз тармоқнинг кабел тармоғидан нафақат техникавий, балки иқтисодий томондан ҳам қулайликлари мавжуд. Узоқ ерларда жойлашган абонентларни тармоққа улаш, яъни аҳоли сийрак ёки кам яшайдиган ҳудудлар, узоқ жойларга кабел тортиб бориш ўзини оқламайди. Шунингдек, тараққиёт жуда тез одимлаб бораётган бугунги кунда зудлик билан кабел симлари ётқизиб чиқиш учун жуда катта сармоғ зарур.

“Sarkor Telekom” тармоғига узаниш учун мижоз жойлашган бино тепасига провайдер марказларидан бирига қаратилган параболик антенна ўрнатилди. Мижоз биноси ва провайдер туғни орасидаги ўртача масофа 15 км.ни ташкил этиши лозим. Ўртадаги масофанинг максимал даражаси текислик ва очиклик бўлса, 50 км.га ҳам етиши мумкин.

“Sarkor Telekom” компания-


паниянинг www.sarkor.com WEB-сайтига кириш керак. Сўнгра “Карта бўйича рўйхатдан ўтказиш” бўлими очилиб, хизмат шартлари билан батафсил танишиб чиқилади. Хизмат шартлари маъқул келса, белгиланган тартибда ҳужжатлар тўлдирилади. Шундан сўнг ПИН-КОДнинг ҳимоя қатлами олиниб, махсус жойга картанинг “давомий рақами” киритилади ва абонент ўзи учун қулай логин ёки паролни танлайди.

Интернет-карталарни фақатгина “Sarkor Telekom” компаниясининг махсус дилерларидан олиш мумкин.

Махсус дилерлар компаниянинг сертификатига эга ва www.sarkor.com сайтида рўйхатга киритилган бўлса ҳақиқий ҳисобланади. Шунингдек, у ёки бу дилернинг ҳақиқий эканлигини аниқлаш учун кеча-кундуз ишлайдиган техникавий ёрдам кўрсатиш хизматида телефон қилиб билиш мумкин.

Л.ТУРСУНОВ

ALOQA OLAMIDA



ФОТОКАМЕРАЛИ МОБИЛНИКЛАР СОНИ ОРТАДИ



камера ўрнатилган мобил телефонларини кўпроқ ишлаб чиқариш биз учун самарали ҳисобланади.

Sanyo президентининг сўзларига кўра, мазкур йилда сотилиши режалаштирилган 8,4 млн. уяли телефон аппаратлари савдоси муваффақиятли якунланади. Ўтган йили бу кўрсаткич 5,7 млн. донани ташкил қилганди. Бирок баъзи танқидчилар бундай савдонинг амалга оширилишига шубҳа билан қарашмоқда. Чунки бу ўтган ярим йилликка қараганда 50 фоиз юқори дегандир.

Рақамли фотокамералар ишлаб чиқарувчи дунёнинг энг йирик компанияларидан бири — Япониянинг Sanyo Electric компанияси мазкур йили ишлаб чиқарадиган фотокамералари сонини 6 млн.дан 6,5 млн. донга ошириш ҳақида қарор қилганини эълон қилди. Бундай қарорга маҳсулотларга бўлган бозор талабининг ортиб бораётгани сабаб бўлди. Рақамли фотокамера ва фотокамера ўрнатилган мобил телефонлари савдосининг юқорилиги ўтган йили қийин аҳволда қолган Sanyoнинг АҚШдаги бўлимини ҳам оёққа турғазди.

— Йилнинг иккинчи ярмидаги кўрсаткичларимиз ёмон бўлмади деб уйлайман, — таъкидлади Sanyo президенти Юкинори Кувано. — Ҳозирда

Компаниянинг яқин орадаги режаларидан яна бири зарарга ишлаётган маиший техникалар ишлаб чиқарувчи бўлимларнинг маҳсулот ҳажмини қисқартириш, Япония ва хорижга экспорт қилинаётган кондиционерлар сонини камайтириш ҳамда ортықча 1,4 минг ишчи кучини бошқа йўналишларга жалб қилиш бўлиб турибди.

БОШПАНАСИЗЛАР УЧУН САЙТ


Москвада ҳар йили қиш мавсумида совуқ уришдан қарийб 3000 киши азоб чекади. Уларнинг 200 дан ортми қўчаларнинг ўзидаёқ, яна шунчаи шифохонада вафот этади. Юзлаб кишилар эса бир умр ногирон бўлиб қолади. Ушбу дахшатли статистика мазкур муаммони ҳал этиш йўллариин излаб топишга мажбур қилмоқда. Ахир фақатгина Москвада сўнгги тўрт киши давомида 1667 киши ҳалок бўлди. Халқаро инсонпарварлик ташкилотлари муаммога жамоатчилик эътиборини жалб қилишга ҳаракат қилмоқда. Шу сабабли Интернетда бошпанасизлар ҳақидаги сайт очилди.



Лойиҳанинг мақсадларидан бири аҳоли ва ҳукуматни инсонлар ҳаётини сақлаб қолиш учун чора кўришга чақиртириш. Сайтда шунингдек, эгасига керексиз, совуқдан азоб чекаётганлар учун эса ўта зарур бўлган кийим-кечакларни тўплаш пунктларининг манзиллари ва бошқа маълумотлар жой олган.

МОБИЛЛАШГАН ДИСНЕЙЛЕНД

Париж шаҳри мулт қаҳрамонлар олами — Диснейленд жойлашган Европа маркази эканлиги барчага маълум. Энди, Wolt Disney Internet Group ва Bouygues Telecom компаниялари саъй-ҳаракати билан i-mode хизмати абонентлари ўз мобил телефонлари орқали Диснейлендга саёҳат қилишади. Дастлаб мижозлар ихтиёрида севишли мултифильмларидидаги мусиқалар асосида тайёрланган кўнгиноқлар ва Микки Маусдан тортиб Қирол Шергача бўлган мулт қаҳрамонлари тасвири бўлади.



Дисней оламидаги сўнгги воқеа ва янгиликларни ётказиб берувчи The Disney Fan Magazine хизмати ҳам мижозларга қулайлик яратиши мумкин. Компаниялар вақт ўтиши билан турли хил мобил ўйини ва хизматларни тақдир қилиб, ўз имкониятларини кенгайтириш ниятида.

Internetdan olindi

Жаҳоннинг этти мўъжизаси ҳақида кўп зикр қилинди. Шундан иккитаси қадимий эронлар ва Александрия шаҳридаги маёқ Мисрда жойлашган. Эрамиздан аввалги III асрда асос солинган Александрия шаҳри кутубхонасини Мисрнинг учинчи мўъжизаси деи ҳисоблаш мумкин.

бебаҳо бойликлар эса дунё бўйлаб тарқалиб кетган. Аммо Александрия кутубхонаси тарихи бу билан барҳам топмади. XX асрнинг 80-йилларида ЮНЕСКО ташкилоти дунёнинг бу мўъжизасини қайта ташкил этишга қарор қилди. Миср ҳукумати таклифни хурсандчилик билан қабул қилди. У кутубхонасига эга бўлмаган Александрия университетини раҳбарияти эса университет ҳудудининг бир қисмини кутубхона қурилиши учун аж-

нади. Бир қанча давлатлар кутубхона жамғармасига бебаҳо адабиёт хазиналарини — Испания Мисра андалуз олимлари асарларини, Туркия Усмоғиллар империяси архивидан 10 миң томи китобларни тортиқ қилди. Шунингдек, Италия ва Ватикан ҳукумати бўлажак кутубхонага қимматли манускрипт кўплицаларини, Япония ва Германия эса замонавий телекоммуникация технологияларини тақдим этишга қарор қилдилар.



САККИЗИНЧИ МЎЪЖИЗА

Кутубхона қурилиши ўтган йили тугатилиди. Ҳозирда китоблар хазинаси 500 мингга, видео ва аудио кассеталар 700 мингга ва компакт-дисклар сони 100 мингга ташкил қилади. Кутубхона жам-

ғармасини саккиз миллионга етказиш режалаштирилган. Тугри, бутунги қанда у энг йirik кутубхоналар қаторига кириштирмайди (маълумот учун Россия давлат кутубхонаси жамғармаси 42 млн. доллани ташкил этишни келтириш мумкин), аммо кутубхонанинг қайта ташкил қилинишидан бу мақсад қўзда тутилмаган. Миср олимларининг таъкидлашича, асосий эътибор араб ва мусулмон манускриптларини тўплашга қаратилади. Кутубхона бир вақтнинг ўзида икки ярим миңдан ортқ китобхоналарга хизмат кўрсатиши мумкин. Кутубхонада уч юзга яқин ўқув хоналари ва тўрт миң кишига мўъжалланган йиғилиш зали фаолият кўрсатади. Бироқ негадир кутубхона очилиши орта сурилади келмоқда. Бунинг бир қанча сабаблари кўрсатиламоқда. Шундай қилиб, жаҳоннинг саккизинчи мўъжизаси бўлиши кутилган, аммо вайронага айланган машҳур кутубхонанинг қайта тўлишини ҳали бироз кутшимизга тўри келадиганга ўхшайди.

Усмоғилон ЙЎЛДОШЕВ тайёрлади

Онамни кўрганлар унга 70 ёш эмас, эҳтимол 80 ёш беришлари мумкин. Чунки онамининг суяги меҳнатда қопган. Бизнинг — болаларининг ташвишии пешонасига ажини сочларига оқ бўлиб тушандир балки. Ун олти фарзанд ичидан яккаю ёлғиз онамининга худо ўз паноҳида асраган. Қудрат буюм бу даҳшатли фожелардан эсанкираб, адоий тамом бўлиб, қабристонда бир неча кун қолиб кетган экан. Қариношларимиз уни бехўш ҳолада олиб келибди. "Ун бештасини ерга бердим, эрта-индин бу ҳам узиллади", деб онамга қарамабди ҳам. Қўшнимиз Ҳалима хола ҳали бир ёшга ҳам етмаган онамини ўз уйларига олиб кетибди. Ҳалима хола буюмга "Бу ҳали шундай бир қиз бўладики, ҳамма болаларингизнинг орзу-ҳавасини шундан кўрасиз" — деган экан.

ЎЛФИЗ ҚИЗНИНГ ЕРУФ КУНЛАРИ

Ийлар утиб, Ҳалима холанинг айтганлари бажо келиб, онам дуркун қиз бўлибди. Уйимиздан совчиларининг кети узилмаскан. Қудрат буюм эса қўшни қишлоқдаги Абдусамоднинг қўлида ишлаб юрган етим йиғилиш "ичкюв" қилибди. Тез орада тўйлари бўлибди. Бирин-кетин буюмнинг қучоғи набираларга тўлибди. Раҳматли отамнинг умри қисқа экан, бу фойи дунёдан қимларингидир айби билан куз юмди. Орқасидан етти жон бўлаб қолди. Ордадан ўш бир йил ўтпач, саксон икки ёшли буюмини ҳам отамнинг ёнига қўйдик. Суяниб турган тоғимиз қўлагандек бўлди. Ҳовимиз ҳувиллаб қолди.

Онамнинг айтишларича, акам Пирмамат тутилганларида буюм уни еру кукка ишонмай, қўллари-
лаҳат берасиз, билаганимизни ўргатасиз, деб олиб келинганимиздан излайман. Афсус, кўзимим дашпу саҳрода сув ахтаргандек ҳайрон. Меҳр-оқибат кўтарилган, лоқайдлик авж олган. Сабр-қаноатни ширмас эа бўлади...

Шуриқ онам шу ёшпача ўзи емай, бизга едирди, қийдирди, ўқитди, уйл-жойли қилди. Гоҳида Ташкентдек азим шаҳарда онамининг меҳри, ишончи тўфайли юрганмдан қувонаман. Гоҳида эса шу кенг шаҳарга ҳам сиймаи кетаман. Куз олдимига хокисор онамининг сиймоси келаверади. Қувончимни, дардларимни қимга айтишни билмайман. Шунда шоир Мухаммад Юсуфининг қўйидаги сатрлари ёдимига тушаверади:

Мен сизни ўйлайман шому саҳарда,
Она сонгисам ҳам бора олмаيمان.
Туялари чароғон шундай шаҳарда,
Ҳеч қимга кўнглимни ёра олмаيمان...
Хонбобил ҲИММАТ қизин



ЖЕКИ ТЕРРОРЧИГА ҚАРШИ

Голливуд юлдузи Жеки Чан кино мухлисларига ўзининг янги фильмини тақдим этди. "Смокинг" деб номланувчи бу филмда у осийлик меҳмон ("Тигиз пайт") ёки император мандатидagi вакил ("Шанхай тушлиги") сифатида пайдо бўлмайди. Табиийроқ чиқиши учун Жеки, муҳжирлар касбига айланиб улгурган тақсичи роллида суратга тушган...

Унинг чаққон ҳаракатларини кўрган махсус хизмат вакиллари

ланган ишни ниҳоясига етказишни топшириб, унинг қўлида жон беради. Жеки ҳўжайинининг кийимлари орасидан соҳибига мисли қўрилмас куч-қудрат келтирувчи ажойиб жанговар скафандр ва замонавий қуроллар билан таъминланган сеҳрли сингингни топиб олади.
Шу тариха смокинг эгасига айланган янги "жосус" дунёдаги барча сув заҳраларини йўқ қилмоқчи бўлган террорчига қарши жангга киришади...

ТАБРИКЛАЙМИЗ!

"Андижон почтаси" акциядорлик жамияти ва вилоят алоқа ходимлари бирлашган касба уюшмаси қўмитаси жамоалари вилоят Давлат алоқа инспекцияси бошлиғи **Рустамжон ТАВАККАЛОВ**ни муборак 50 ёшга тулиши муносабати билан самимий табриклайди. Унга мустаҳкам соғлиқ, хонадонига тинчлик-хотиржамлик, ишларида Аллоҳдан ривож тилайди.

"Қорақалпоқ почтаси" АЖ Чимбой филиалига қарашли Чимбой-1 жамоаси корхона бошлиғи **Тоғазул АЛЛАМБЕРТЕНОВА**ни тутилган кўни билан самимий табриклайди. Унга узок умр, сийхат-саломатлик, ишларида омад тилаб қўлади.

ХАБАРЛАР

Ўқувчи янги келган ўқувчидан исмини сўради.
— Иسمи Виллиам Хопкинс.
Шунда ўқувчи унга танбех бериб деди:
— Ҳар доим ўқувчинга сэр деб мурожаат қилип, хўпми?
— Кечирасиз, менинг исим сэр Виллиам Хопкинс.
Бир аёл автобуста ити билан чиқди ва назоратчилан сўради:
— Енимдан ўриндиққа итим ўтира майлими?
Назоратчи:
— Майли, бироқ ўриндиққа оёқларини қўймасин.
Сайёҳ меҳмонхона хизматчисидан сўради:
— Томингиздан ҳар доим чакка ўтадими?

Хизматчи:
— Йўқ, фақат ёмғир ёққинда.
Автобуста кетган нотаниш киши ёнидаги йўловчининг сўради:
— Сиз мабодо Мисбернинг марузасига келмайсизми?
— Худди шундай.
— Унинг марузасига бора кўрмэнг. У ёмон нотиф.
— Йўқ, бормасам бўлмайди. Чунки мен Мисбернинг ўзвечна.
Бир кўни фермер ўзига эчкиларни санашин буюрди. Бир оздан сўнг ўзи халослаб қайтиб келди:
— Дала, эчкилар йилгирматга экан, лекин битта эчки шуъчалик тез югурдики, уни санай олмадим.
Инглиз тилидан **ЖАҲМЕДОВ таржимаси**

МУАССИС:

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиғи

Бош муҳаррир : Шодмон ОТАБЕК

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Алишер ХўЖАЕВ,
Шухрат ЖАББОР,
Анатолий КУДИНОВ,
Иззат АҲМЕДОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари),
Мирфатим МИРЗО,
Рустам ҚОСИМОВ

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, Ташкент-35,
А. Толстой кўчаси, 1.
ТЕЛ: 136-36-42, 136-35-29,
144-29-09.
Факс: 136-36-42
Habar@uzapt.uzpak.uz
ИНДЕКС: 64600
Жума кўллари чиқади

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00011 рақам билан рўйхатга олинган.
Буортма №Г-067.
9890 нускада чоп этилди. Офсет усулида босилди. Бичими А-3, ҳажми 160с.матбақ.
Газета таҳририят компютер базасида терилди ва сақланади.

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ БОСМАХОНАСИ.

Монили: Тошкент шаҳри, «Буёқ Турно» кўчаси, 41-уй.
Матн тўрчи: Д.МАТҚУРБОНОВА
Саҳифаловчи: Ш.КИМсанБОВ

Босишга топширилди — 18.00
Босишга топшириш вақти — 18.00